



ҚАРИЛИК – ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

Абдукаримова Гулчехра Баратовна¹

¹Тошкент Давлат Транспорт Университети
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5776787>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 01-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 05-Dekabr 2021
Chop etildi: 10-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

кексалик, қарилик,
қариш, ижтимоий
четга чиқиш

ANNOTATSIYA

Кексалик – ҳар бир инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, бу жараён аксарият ҳолларда инсон соғлиғининг ёмонлашуви ва инсон организмидаги ақлий қобилиятларнинг сусайиши билан тавсифланади. Ҳозирги вақтда 60 ва ундан юқори ёшдаги аҳоли сонининг ортиб бориш тенденцияси мавжуд бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг прогнозларига кўра, 2050 йилга келиб дунё аҳолисининг 20 фоизидан кўпроғини нафақадагилар ташкил этиши мумкин. Қариялар сонининг ортишига мутаносиб равишда замонавий жамиятда қарилик ҳодисасини ижтимоий-фалсафий тушуниш даражаси долзарблашиб бормоқда.

Вақт ўтиши билан жамиятнинг қарилик, қариш жараёни ва қарияларга нисбатан муносабати ўзгариб боради. Саноат ривожланишигача бўлган даврда кекса одамларнинг тажрибаси ва билимлари юқори баҳоланган, бу эса кекса одамларнинг жамиятдаги ўз-ўзини англаш жараёнларини осонлаштирган. Жамиятнинг анъанавий ривожланиш босқичидан саноат босқичига ўтиш жараёнида ижтимоий ҳаётда кекса ёшдагиларнинг мавқеи сусаяди ва ушбу ёш гуруҳининг ўз-ўзини англашини мураккаблаштиради. Кексалик ҳодисаси кўп асрлар давомида таниқли

мутафаккирлар томонидан турли хил мавзулар негизида ўрганиб келинган. Қариликни англаш, фалсафанинг борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва ўлим, инсон табиати, ҳаётнинг мазмуни, инсонпарварлик ва бошқа мавзулар бунга мисол бўла олади.

Қадимги файласуфларнинг қариш жараёнига оид асарларини таҳлил қилар эканмиз, кекса одамларнинг поклиги, уларнинг юқори лавозимлардаги фаолияти, жамоани бошқариш ва муҳим масалаларни ҳал этишда асосий бўғин ҳисобланганлиги тўғрисидаги ўзига хос қарашлар ва



фикрларнинг ўхшашлигини кўришимиз мумкин. Қадимги юнон файласуфи Платон кексаликка алоҳида урғу бериб, кексалик даврида инсон танасининг жисмоний қариши маънавий бойиш, донолик, идрок ва ички эркинлик билан тўлдирилади, деб таъкидлайди. Ушбу баёнот орадан минг йиллар ўтишига қарамасдан ўз долзарблигини йўқотмаган.

Бироқ, ҳамма мутафаккирлар ҳам қариликни инсон ҳаётидаги муносиб давр деб билмайди. Ушбу файласуфлардан бири Аристотел. У қариш жараёнини танқидий баҳолаб, кекса одамнинг салбий портретини шакллантиради. Мутафаккир илгари сурган ғоянинг моҳиятига кўра, қариш жараёнида етук инсон жисмоний ва ақлий кучини, маънавий қобилиятларини йўқотади. Қадимги файласуф асарларида қарияларнинг ўйчанлик, ишончсизлик, хасислик, сергаплик ва иродасизлик каби салбий фазилатлари акс етган. Аристотелнинг ғояларига асосланиб, сўнгги антик Рим давридаги “донишмандлар” ўз эътиборларини одамнинг жисмоний қаришига қаратадилар. Уни чарчаган, бахтсиз, камбағал ва касал деб тасвирлайдилар.

Ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган қариш жараёни ҳақидаги қадимги давр ёзувларидан энг кўп маълумот Цицероннинг асарларида келтирилади. Файласуфнинг асарларида хурматга оппоқ сочлар ва юздаги ажинлар сони билан эришиш мумкин эмаслиги, уни инсоннинг қилган ишлари, ҳаёт йўли билан ўлчаш кераклиги таъкидланган. Шу билан бирга, файласуф кексаликдаги энг

юқори мукофот бу – қарияларни эзгу фазилатларни қабул қилишга интиланган ёшлар ўраб олиши деб таъкидлайди.

Қадимги Рим сиёсатчиси, нотик ва файласуф Цицерон фаол бўлишга чақириқ асосида бахтли кексалик учун бир неча рецептлар таклиф қилади. Бахтли кексаликнинг кафолати сифатида мутафаккир ёшларни ижтимоийлаштириш жараёнига қарияларни жалб этиш кераклиги тўғрисидаги фикрларни илгари суради.

Ўрта асрларда, илм-фан тасаввуф ва алкимёга қатъият билан қадам кўйилганида, геронтологик билимлар соҳасида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Уйғониш даври сиёсатчиси Мишель Монтень қариш ва қарилик масалаларига урғу бериб ўтади. У инсон ҳаёти ва табиатни таққослаш орқали уни инсон илк қадамларни ташловчи бошланғич, ундан кейин инсон умрининг гуллаб яшнаган ёшлиги ва инсон қариш жараёни каби алоҳида даврларга тақсимлайди. Файласуф қариликни сергаплик, зиқналик, хурофотга берилиш каби аломатларга эга бўлган патологик жараён ҳисобланган бетоблик билан таққослар экан, қария инсонларни ночор одам сифатида таърифлайди, шунинг учун яқин инсонлар муҳаббати ва ғамхўрлиги уни даволашнинг асосий усуллари сифатида қайд этади. Қадимги даврнинг машхур шоир ва мутафаккирлари қарилик ва одамларининг қариш муаммоларини ўрганар эканлар қариш жараёнини ҳаётий манфаатлар ва қадриятларнинг ўзгариши билан боғлаганлар. Машхур иррационал-файласуфлардан бири Артур шопенгауер ўз рисоаларида



ёшлик шеърият учун, қарилик эса фалсафа учун яратилганлигини таъкидлайди. Кекса ёшдагина инсон ҳаёт ва унинг қонуниятлари ҳақида аниқ ва нисбатан тўлиқ тушунчага эга бўлиб, унинг бошланиши ва якуни ҳақида ўйлай бошлайди. Бундан ташқари, Шопенгауер кекса одам учун энг катта бахтсизлик бу қашшоқлик эканлигини аниқ таъкидлайди. У нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қашшоқликни ҳам назарда тутди. Мулоқотнинг етишмаслигига алоҳида урғу берар экан, мутафаккир кескин қариш натижасида умидсизлик режа ва мақсадларнинг йўқолиши ҳақида сўз юритади.

Қариш жараёни ҳақидаги файласуфларнинг фикрларини ўрганаётганда турли даврларнинг мутафаккирлари томонидан тақдим этилган бахтли кексалик рецептлари алоҳида аҳамият касб этишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, немис ва франсуз илоҳиётшуноси, маданий файласуфи Алберт Швейцер инсониятни эзгулик, раҳм-шафқат ва ўз-ўзини билишга чорлаб, жамият томонидан қарияларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги, яъни қарилик даврида кексаларнинг ҳаётий билимлари ва поклигини ўйғунлаштирган ҳолда, улар учун ўзига хос мазмунли ва қизиқарли ҳаёт ташкил этишга кўмаклашиш кераклиги тўғрисидаги фикрни илгари қўллаб қувватлайди. Айнан жамиятнинг қарияларга нисбатан муносабати орқали кексаларнинг ушбу ижтимоий муҳитдаги ўрнини белгилайди. Бундан ташқари, ушбу муносабат қарилик қариялар учун муаммоли ёки уларнинг

ҳар бири учун ривожланиш даври бўлиши мумкинлигини белгилайди. Қарилик муаммоси австриялик социолог Розенмайернинг ҳам диққатини ўзига жалб этган. У турли хил ёш гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор берар экан, биринчи навбатда қариялар жамият учун кераксиз инсонлар эканлиги тўғрисидаги фикрларни шакллантиришга урғу беради.

Худди шундай тенденция ҳозирги замонда ҳам кузатилмоқда, чунки кекса ёшдаги ва қариётган инсонларнинг йиллар давомида тўпланган ижтимоий фаолият кўникмалари, ҳаётий тажрибаларига нисбатан талабнинг етишмаслиги, унинг ақлий салоҳиятининг самарасизлиги сабабли бу ёш тоифасидаги аҳоли жамиятнинг фаол қатлами таркибидан чиқади ва ижтимоий ёрдам ва ғамхўрлик объектига айланади.

Ёшлик даври ривожланиш учун мақбулроқ ва самарали ёш сифатида утувор ҳисобланиб, кексалик эса деструктив-камситувчи хусусиятларга эга, шунинг учун қарияларни четлатиш феноменини келтириб чиқаради. Ёшларнинг оммавий коммуникация ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши кекса ёшдаги одамларга нисбатан ноҳолис стереотипларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишига олиб келади. Ушбу ёш гуруҳидаги одамларга баъзида фақат ижтимоий ёрдам объекти сифатида қаралади. Қарияларга нисбатан салбий муносабатнинг шаклланишига баъзида уларнинг ўзлари жамиятнинг бошқа аъзолари билан муносабатда



хушмуомалаликка риюя қилмаслик орқали сабабчи бўлишлари мумкин. Қариликнинг салбий стереотиплари қаторига ёшга оид камситиш феноменини ҳам киритиш мумкин. Кекса одамларнинг бундай стереотипи нафақат асосий қисмини ёшлар ташкил этадиган меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида қарилик тўғрисида салбий фикрларни келтириб чиқаради, балки қаришдан қўрқиш хиссини ҳам шакллантиради. Ушбу ҳолатни тўғрилашга ҳаётий тажрибаси қадрланадиган ва ҳимоя қилинадиган боболари ва бувилари бўлган оилаларда ёш авлодни кексаларга нисбатан ҳурмат

билан муносабатда бўлиш, шунингдек, донолик ва яхши ҳаётнинг тимсоли сифатида қарияларни тасаввур қилиш ғоясини тарбиялаш орқали эришилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, кекса одамнинг жисмоний, маънавий руҳий ҳолати ва унинг аввалги ҳаракатлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуддир. Мулоқотга, ижтимоий алоқаларни яратишга интиланган, ақлий фаолият билан шуғулланиш асносида билим ва тажриба тўплаган киши қалбан ёш бўлиб қолади, жисмоний заифлик эҳтиёткорлик, маънавий бойиш билан қопланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Волков Ю. Г., Добренков В.И., Кадариа Ф.Д., Савченко И.П., Шаповалов В.А. Ёшлар социологияси: дарслик / ед. Проф. Ю.Г. Волкова. - Ростов-н / Д.: Феникс, 2001 йил.
2. Елютина, М. Э. Социальная геронтология / М. Э. Елютина, Э. Е. Чеканова. – М. : ИНФРА-М, 2004.